

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ —
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА



ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКАЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ — ПОД ЗАЩИТОЙ
ЗАКОНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ—
ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.
Тадбиркорлик фаолияти — қонун ҳимоясида —
Тошкент, 2005 й. — 192 б.

ББК 67.404

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири
Б.М. Мустафоевнинг
умумий таҳрири остида

Нашр учун масъул: Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш
бошқармаси бошлиғи **Д.Р. Матрасулов**

Республикамизда тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорларга кенг шарт-шароитлар яратиш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам ҳимоя қилишга қаратилган ислохотлар олиб бориш иқтисодий ўсишнинг муҳим кафолатидир.

Ушбу жараёнда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш тўғрисида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини уларга етказиш, ўз вақтида хабардор қилиш ва ҳуқуқий онгини ошириш катта аҳамият касб этади.


Шу мақсадда мазкур қўлланма ишлаб чиқилган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари тўпланган.

Жорий йилда тадбиркорлик фаолиятини эркин юритишга ва ҳуқуқий ҳимоялашга қаратилган Президентимизнинг бир нечта Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, амалда тадбиқ этиб келинмоқда.

Қўлингиздаги қўлланма айнан ана шу Фармон ва қарорларда кўрсатилган нормаларни ўз ичига олган бўлиб, унда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган фуқароларга ушбу соҳада қандай имтиёз, кафолатлар ва имкониятлар белгиланганлиги, тадбиркор эркин фаолият олиб бориш учун нима-ларга аҳамият бериш кераклиги, назорат қилувчи давлат идораларининг мажбурият ва жавобгарликлари белгиланган қонун ҳужжатлари кўрсатилган.

Қўлланмани ўқувчига ҳавола этишдан асосий мақсад, нафақат тадбиркорларнинг балки, назорат қилувчи органлар маъсул ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ҳам ошириш, улар эътиборини тадбиркорларни ривожлантириш учун қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига қаратиш ва қонунларни оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.


Умид қиламизки, ушбу қўлланма ўқувчининг кундалик фаолиятида доимий ҳамроҳ бўлади.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Адлия вазирининг Кириш сўзи | 6 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармони | 10 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3618-сон Фармони | 15 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3619-сон Фармони | 18 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3620-сон Фармони | 22 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги ПФ-3622-сон Фармони | 25 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3665-сон Фармони | 27 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан такдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100-сон қарори | 30 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд | |

| | |
|--|----|
| пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ–147-сон қарори | 34 |
| Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»ги ПҚ–186-сон қарори | 39 |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 180-сон қарори | 41 |
| Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 ноябрдаги «Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 242-сон қарори | 54 |
| Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисобкитоблар, ёзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» 2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарори (<i>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 29 июлда 1500-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди</i>) | 64 |
| Тадбиркорлар учун айрим маълумотлар | 77 |



Бизнинг олдимизда турган муҳим масалалардан бири қабул қилинган қонунларни ижросини тўлиқ таъминлашдан иборат. Қонунлар сўзсиз бажарилгандагина биз ҳуқуқий давлат қуришимиз мумкин.

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. Каримов*

Кириш сўзи

Ўзбекистон Республикаси қонунларини сўзсиз ижросини таъминлаш вазифаси ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органларга, хусусан Адлия вазирлиги зиммасига ҳам юклатилган.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича қонунчилик ижодкорлиги борасида амалга оширилган ишлар ушбу қўлланмада жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарорига асосан кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга қулай иқтисодий муҳит яратиш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини барпо этиш ҳамда иқтисодий ислохотларни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатларнинг ижросини

таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга тадбиқ этиб келмоқда.

Ушбу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан ҳамкорлик кучайтирилиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий ҳўжалик суди, Давлат солиқ қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобатни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини тизимли ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва давлат бошқаруви органларининг мансабдор шахслари томонидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни кучайтириш бўйича комплекс амалий чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек иқтисодиётни янада эркинлаштириш мақсадида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати, тегишли ҳуқуқни муҳофоза қилувчи ва назорат этувчи органлар билан янги қонун ҳужжатлари яратилишида ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларининг иқтисодиётни ислох қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилиниб келинмоқда. Жойларда бозор ислохотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг аҳволи доимий равишда ўрганиб келинмоқда.

Тавсия этилаётган ушбу рисола орқали, ҳурматли тадбиркорлар, фаолиятингизга оид янги қабул қилинган айрим қонун ҳужжатлари билан танишасизлар.

Хусусан, ушбу қўлланма орқали Сиз инвестиция муҳитини яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга

оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш юзасидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан танишасиз.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, тадбиркорлик субъектларига қўлланиладиган таъсир чораларини фақат суд орқали амалга ошириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймасликни кафолатловчи нормалар ҳақидаги тегишли фармон ва қарорлар билан танишиб чиқасиз.

Бундан ташқари, ушбу рисолада,

— микрофирмалар ва кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тубдан ошириш;

— хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек жавобгарликни қўллашнинг халқаро умум-ҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш;

— тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш;

— тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, соддалаштириш, турларини камайтириш ва уни тақдим этишни ноқонуний талаб қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

— нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш кафолатлари, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш;

— тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари келтирилган.

Мазкур рисола чоп этишдан мақсад тадбиркорлик фаолиятига оид энг охириги қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармон ва қарорларини жамлаб, сизларга тавсия этишдир. Уларни ўқиб-ўрганиб, тадбиркорлар ўзини-ўзи ҳимоя қилишни билиб олиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, 2005 йилнинг I июлига қадар тадбиркорлар фаолиятини, банклардаги операцияларини ноқонуний тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни ноқонуний қўллаш, текширишларни белгиланган тартибни бузиш, солиққа тортиш ва солиқ бўйича имтиёزلарни қўлламаслик ҳолатлари содир этилаётганлигини билдириб, адлия идораларига тадбиркорлардан 247 та аризалар келиб тушган, шунингдек, ўрганишларда бу соҳада 1671 та ноқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар аниқланган. Жорий йилнинг июнь ойида қабул қилинган фармонлар ва қарорлар ушбу аризалардаги ва амалдаги муаммоларни тўлиқ ечимини топишга имкон берди.

Ўйлаймизки, қўлингиздаги рисола фаолиятингизда вужудга келиши мумкин бўлган муаммо ва қонунбузарликларни жойнинг ўзида ҳал қилинишига катта ҳуқуқий ёрдам беради.

Адлия вазири Б. Мустафоев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 15-16-сон, 109-модда)*

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортикча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлаш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари (иловага мувофиқ) корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, экология солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда мазкур солиқ имтиёзлари берилди:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортик АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортик бўлганда — 7 йил муддатга.

2. Ушбу Фармоннинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари қуйидаги шартлар асосида қўлланилиши белгилаб қўйилсин:

* 2005 йил 11 апрелдан кучга кирган.

мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар — Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

ушбу корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

мазкур имтиёзларни қўлланиш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхона янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этиладиган корхоналарнинг ушбу Фармон иловасида кўрсатилган иқтисодиёт тармоқларига тааллуқли эканини аниқлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қуйидагилар белгилансин:

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан Ўзбекистон Республикасининг кафолатисиз жалб этиладиган узок муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромад (фойда) солигини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базага киритилмайди;

хорижий инвестициялар иштирокида янги ташкил этиладиган корхоналарнинг асосий фаолиятдан кўрадиган зарарлари 5 йил муддат ичида солиққа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга тенг улушлар билан тақсимланади;

кейинги қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда мазкур Фармоннинг 1-бандидаги имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнида амал қилади.

5. Ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ имтиёз олган корхоналар шундай имтиёз берилган муддат тугашидан кейин бир йил барвақтроқ фаолиятини тўхтатган тақдирда фойдани ўз

мамлакатига ўтказиш ва хорижий инвесторнинг капиталини чет элга олиб чиқиб кетиш фақат берилган имтиёзлар суммасини бюджетга қайтаргандан кейин амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу Фармонда белгиланган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида хорижий инвесторлар учун белгиланган кафолатлар қуйидаги ҳолларда қўлланилиши маълумот учун қабул қилинсин:

хорижий инвесторларга тўланадиган, дивиденд тарзида олинadиган даромадларга солиқ миқдори (ставкалари) кўпайиши;

хорижий инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромадлари (фойдаси)ни ўз мамлакатига қайтариш тартиботини мураккаблаштирувчи ёки уларнинг миқдорини камайтирувчи қўшимча талаблар жорий этилиши, бунда давлат хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонанинг тўловга қобилиятсизлиги ва банкротлиги ёки кредит берувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хорижий инвестор — жисмоний шахс содир этган жиний қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолларида ёхуд суд ёки ҳакамликнинг қарорига мувофиқ даромад (фойда)ни ўз мамлакатига қайтаришни тўхтатиб туришнинг бошқа зарурати бўлганда хорижий инвестор маблағларини қонун ҳужжатларини камситмайдиган тарзда қўллаш шартлари асосида ўз мамлакатига қайтарилишини тўхтатиб туриш ҳоллари мустасно;

инвестицияларнинг миқдори бўйича инвестициялаш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ҳамда бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда хорижий инвестицияларнинг минимал миқдорини кўпайтириш тарзидаги талаблар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав жамғармаларида хорижий инвесторнинг улуш билан иштирок этиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

хорижий инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва узайтириш борасидаги қўшимча тартиботлар, шунингдек хори-

жий инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуни 3-моддасининг тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

Бунда, юқорида кўрсатилган барча инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда хорижий инвестор мазкур кафолатни қўллаш тўғрисида тегишли ваколатли органи хабардор қилиши назарда тутилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармон қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

10. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 11 апрель,
ПФ-3594-сон

**ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН БЕРИЛАДИГАН
ИМТИЁЗЛАР ЖОРИЙ ЭТИЛАДИГАН ИҚТИСОДИЁТ
ТАРМОҚЛАРИ РЎЙХАТИ**

1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоблаш техникаси бутловчи буюмларини ишлаб чиқариш.

2. Енгил саноат:

тайёр ип газлама ва жун газламалар ишлаб чиқариш;

тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўки-мачилик галантереяси ишлаб чиқариш;

терини қайта ишлаш;

пойабзал, тайёр кўн-галантерея буюмлари ишлаб чиқариш.

3. Ипакчилик саноати:

шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

4. Қурилиш материаллари саноати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сонли Фармони 1а-иловасида кўрсатилган қурилиш материалларининг янги турларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат миқёсида етиштириш.

6. Озиқ-овқат саноати:

маҳаллий хом ашёдан саноат миқёсида қайта ишланган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (алкоголли, алкогольсиз ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бундан мустасно).

7. Гўшт-сут саноати:

гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турлари, пишлоқ ва сариёғ ишлаб чиқариш.

8. Кимё-фармацевтика саноати:

дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш;

синтетик кир ювиш воситалари, маиший кимё товарлари ишлаб чиқариш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛИШINI ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 23-24-сон, 166-модда)*

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан қабул қилинган Дастурни ижро этиш бўйича тузилган ишчи Комиссия томонидан бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқариш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Амалдаги қонун ва норматив ҳужжатларининг иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қўйилган вазифаларга мувофиқлиги танқидий таҳлил қилинди. Жойларда бозор ислоҳотларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришга тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этиш ҳамда ушбу соҳада қабул қилинаётган қонунларни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорларини амалга оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича ишларнинг ахволи ўрганилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қонунларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорларининг, идоравий норматив ҳужжатларнинг янги лойиҳалари рўйхати тузилган бўлиб, улар тизимли асосда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий мақсад, вазифа ва устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

* 2005 йил 14 июндан кучга кирган.

1. Қуйидагилар:

тизимли асосда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий устувор йўналишлари рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган, давлат ҳокимияти олий органлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, вазирликлар ва идоралар даражасида тасдиқланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш Дастурини ижро этиш бўйича қонун ҳужжатлари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (3-иловага* мувофиқ) қабул қилинганлиги ва амалда рўёбга чиқарилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислох қилиш ҳамда маъмурий ислохотни амалга ошириш соҳасида қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш комиссияси (Р. Азимов):

белгиланган муддатларга мувофиқ 1-иловадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли ишлаб чиқилиши ва келишиб олинишини таъминласин ҳамда уларни белгиланган тартибда давлат ҳокимияти олий органлари ва Ҳукуматга тасдиқлаш учун тақдим қилсин;

ушбу Фармонда кўзда тутилган янги қонунлар лойиҳалари тайёр бўлишига қараб уларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг муҳокамасига киритсин;

ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уларни амалга оширишнинг аниқ-пухта механизмларини албатта назарда тутсин;

зарур ҳолларда, иқтисодий ислохотларнинг мақсад, вазифа ва асосий устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб

* 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

чиқилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг рўйхатларига қўшимчалар киритсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

мазкур Фармонга мувофиқ қабул қилинадиган қонун ҳужжатлари ижро этилишини қаттиқ назорат остига олсинлар;

ўз даражаларида қабул қилинадиган норматив ҳужжатларнинг мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини белгиланган тартибда келишиб олиш ҳамда давлат ҳокимияти органлари ва Ҳукуматга киритиш таомилидан ўтиши устидан мониторинг ўрнатсин;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари юридик экспертизадан ўтказилишини, шунингдек ушбу Фармонда кўзда тутилган идоравий норматив ҳужжатлар белгиланган тартибда ўз вақтида рўйхатга олинишини таъминласин;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўзларининг норматив ҳужжатларини қабул қилинадиган қонун ҳужжатларига ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштиришлари устидан назорат ўрнатсин.


6. Вазирлар Маҳкамаси, республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг барча даражаларда амалда рўёбга чиқарилишини таъминласинлар, токи умуман мамлакат иқтисодиёти ва ҳар бир фуқароси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг аниқ ижобий натижаларини ҳис этсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Тошкент ш.,
2005 йил 14 июнь,
ПФ-3618-сон

И. КАРИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ХИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 167-модда)

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини (иловага мувофиқ) фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагилар белгилансин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати органлари, улар томонидан текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти томонидан амалга оширилади;

назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, хатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар;

фақат кўзғатилган жиноий иш юзасидан текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки шундай текширувларни ўтказиш тўғрисида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш

* 2005 йил 14 июндан кучга кирган.

бўйича махсус ваколатли органнинг қарори мавжуд бўлгандагина қонунда кўзда тутилган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг текширилаётган хўжалик юритувчи субъект билан ўзаро муносабатларинигина муқобил тарзда текширишга йўл қўйилади.

Муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш манъ этилсин.

3. Қуйидагилар белгилансин:

давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки шу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарарнинг ўрни суд қарори асосида тўла ҳажмда бевосита ана шу давлат органлари томонидан, биринчи навбатда, уларнинг бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобига қопланиши лозим;

зарарларнинг ўрнини қоплаш суд қарори билан ана шу етказилган зарар учун айбдор бўлган давлат органларининг мансабдор шахсларига, қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда юкланиши мумкин;

тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низолари хўжалик суди ёки ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди ва Савдо-саноат палатаси бир ой муддатда белгиланган тартибда «Ҳакамлар суди тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин ва бунда тадбиркорлик субъектлари ҳамда бирлашмаларининг ўзлари томонидан ҳакамлар суди ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузганликлари учун жазо муқаррарлигини, уларнинг хатто жиноий жавобгарликка тортилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари сўзсиз бажарилиши устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қуйида-

ги қарорларнинг лойиҳаларини тайёрласин ва белгиланган тартибда тақдим этсин:

2005 йилнинг 1 июлигача — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни тайинлаш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги қарор лойиҳаси. Бунда текширишлар сонини кескин камайтириш ҳамда назорат органлари мансабдор шахсларининг рухсат берилмаган текширишлар ўтказилганлиги учун жавобгарлигини кучайтириш, ҳатто жиноий жавобгарликка тортиш назарда тутилсин;

2005 йилнинг 1 августигача — айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун рухсат олиш тартиб-таомилини қисқартириш ва соддалаштириш, шу жумладан муддатлари чекланмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга лицензиялар (рухсатномалар) бериш тизимини жорий этиш, жумладан, шундай таомилни амалдаги лицензиялар (рухсатномалар)га ҳам тадбиқ этиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ҳўжалик суди ва Олий суди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2005 йилнинг 1 июлига қадар:

ушбу Фармоннинг 1-бандида назарда тутилган тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартиб-таомилини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш бўйича;

ҳўжалик судларига даъво тақдим этилиши чоғида тўланадиган хорижий валютадаги давлат божи ставкаларини миллий валютадаги давлат божларининг амалдаги ставкалари билан унификация қилиш бўйича;

суд ишларининг қўшимча тоифаларини ҳисобга олган ҳолда судлар таркиби ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш масалалари бўйича судьяларни қайта тайёрлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тўғрисида;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон

тон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 14 июнь,
ПФ-3619-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2005 йил 14 июндаги
ПФ-3619-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА НИСБАТАН
ФАҚАТ СУД ТАРТИБИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН
ХУҚУҚИЙ ТАЪСИР ЧОРАЛАРИ РЎЙХАТИ**

1. Фаолиятни тугатиш.
2. Фаолиятни тўхтатиб қўйиш. Фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф-хатар юзага келишининг олдини олиш муносабати билан фаолиятни кўпи билан ўн иш кунигача тўхтатиб қўйиш ҳоллари бундан мустасно.
3. Банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш борасида аниқланган ҳоллар бундан мустасно.
4. Молиявий санкцияларни қўллаш. Солик ва йиғимларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеня қўшиш, шунингдек тадбиркорлик субъекти содир этилган ҳуқуқбузарликдаги айбига иқроор бўлиш ва молиявий санкция жарималарини ихтиёрий равишда тўлаш ҳоллари бундан мустасно.
5. Ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш.
6. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензиялар бундан мустасно).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

МИКРОФИРМАЛАР ВА КИЧИК КОРХОНАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАФБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 25-26-сон, 177-модда)

Кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рафбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамия-ти ва улушини тубдан ошириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилсин.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари иловага мувофиқ белгилансин.

Ягона солиқ тўлови ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунигача ҳар чоракда тўланиши белгилаб қўйилсин.

2. 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб, акциз солиғи олинди-ган маҳсулот ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик кор-хоналар учун ягона солиқ тўловини ҳисоблаш чоғида солиққа тортиладиган база акциз солиғи суммасига камайтириладиган тартиб ўрнатилсин.

3. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик кор-хоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга ке-чиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йилнинг 1 июлигача:

ягона солиқ тўловини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсим-лаш нормативларини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марка-зий банки билан биргаликда ягона солиқ тўловини ҳисоблаш,

* 2005 йил 20 июндан кучга кирган.

тўлаш ҳамда уни давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Қуйидагилар белгилансин:

илгари микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлаш бўйича қонун ҳужжатларида берилган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида амал қилади;

ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда уч ой муддатда «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин, лойиҳада тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми кўзда тутилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 20 июнь,
ПФ-3620-сон

Ўзбекистан Республикаси Президентининг
2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли
Фармониغا
ИЛОВА

**МИКРОФИРМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР УЧУН
ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ СТАВКАЛАРИ**

| Тўловчилар | Сотилган товарлар (бajarилган ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида |
|--|--|
| 1. Иқтисодиёт барча тармоқларининг корхоналари, 2—4-бандларда кўрсатилганлари бундан мустасно | 13 |
| 2. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, ягона ер солигини тўлайдиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно | 6 |
| 3. Юридик ва жисмоний шахсларни (жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган, гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш лицензиясига эга бўлган корхоналар | 30 |
| 4. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар | 50 |

Эслатмалар:

1. Харид, таъминлаш-сотиш корхоналари, брокерлик фирмалари, комиссия шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларига ягона солиқ тўлови жорий этилмайди, улар учун ягона солиқ ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби ва белгиланган ставкалари сақлаб қолинади.

2. Лизинг компаниялари учун ставка лизинг берувчининг даромади (маржа)га нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК СОҲАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ УЧУН МОЛИЯВИЙ ЖАВОБГАРЛИГИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 25-26-сон, 178-модда)*

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида, шунингдек жавобгарликни қўллашнинг халқаро умумҳуқуқий принципларидан келиб чиққан ҳолда:

1. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камрок тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда материалларни суд органларига тақдим этмасдан фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган ҳамда унинг оқибатларини бартараф этган, жумладан пеня тўлаган тадбиркорлик субъекти молиявий санкциялар қўлланилишидан озод этилиши белгилаб қўйилсин.

3. Жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш ва янада ислоҳ қилиш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда маъмурий ислохотларни амалга ошириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркин-

* 2005 йил 24 июндан кучга кирган.

лаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги таклифлари иловага* мувофиқ маъқуллансин.

Вазирлар Маҳкамаси иловада кўрсатилган таклифларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини уларга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

ўн кун муддатда — ҳуқуқбузарлик ва унинг оқибатлари хусусиятига қараб молиявий санкциялар бекор қилиниши ёки миқдорлари камайтирилишини, шунингдек айрим ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни тадбиркорлик субъектларидан уларнинг мансабдор шахслари зиммасига юклашни назарда тутувчи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни;

бир ой муддатда — қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 24 июнь,
ПФ-3622-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 40-сон, 303-модда)

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш ва текширишлар сонини кескин қискартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар белгилансин:

микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади;

янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди;

худудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар, уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда их-

* 2005 йил 5 октябрдан кучга кирган.

тиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

2. Вазирликлар, идораларнинг раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қаттиқ огоҳлантириб қўйилсинки, назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари руҳсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашилганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг текширишларни тайинлаш ва ўтказиш борасида белгиланган тартибга қатъий риоя этиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти устидан мунтазам назоратни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг янгиланган таркиби иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш йиллик ва чорак мувофиқлаштирувчи режа-жадвалларини шакллантиришнинг аниқ асосланган тамойиллари ишлаб чиқилишини таъминласин;

2005 йилнинг 1 декабригача муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини 2006 йилда текшириш мувофиқлаштирувчи режа-жадвалини ишлаб чиқиб, тасдиқласин, унда мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ комплекс текширишлар ўтказишнинг асосланган тамойиллари ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда текширилиши лозим бўлган субъектлар рўйхатини шакллантиришни назарда тутсин;

назорат органларига «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган ҳақиқатларда уларни ўтказишга руҳсат берсин.

* Илова берилмайди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоравий норматив ҳужжатларини мазкур Фармон билан мувофиқлаштирсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 3 августдаги «Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» ПФ-2678-сонли Фармонининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.С. Шамшиев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 октябрь,
ПФ-3665-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ НОҚОНУНИЙ ТАЛАБ ЭТГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 23-24-сон, 168-модда)

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, халқаро амалиётга мувофиқ ҳисобот тизими ва уни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек қўшимча ҳисоботни ноқонуний талаб этиш ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 июлдан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар ойда тақдим этишни ҳар чоракда тақдим этишга ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Бунда солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашнинг амалдаги муддатлари сақлаб қолинсин.

2. Белгилансинки, ҳар чоракдаги ҳисоб-китоблар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан давлат солиқ хизмати органларига ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмай:

ойма-ой тақсимланган ҳолда — ҳар ойда тўланадиган барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича (Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бундан мустасно);

ҳар ўн кунликка тақсимланган ҳолда — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарларга акциз солиғи бўйича ҳар чоракда бир марта тақдим этилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан тўланиши лозим бўлган солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа маж-

* 2005 йил 15 июндан кучга кирган.

бурий тўловларнинг миқдори камайтирилган тақдирда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, хорижий валюта тушумини мажбурий сотишдан озод қилинган тадбиркорлик субъектлари, мажбурий сотилиши лозим бўлган валюта тушуми миқдори ҳисоб-китобини ҳисобга олиш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларига белгиланган шаклда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2006 йилги Давлат статистика ишлари дастурини тайёрлаш доирасида икки ой муддатда:

тадбиркорлик субъектлари учун давлат статистик ҳисоботини янада соддалаштиришга қаратилган ҳисобот шаклини;

йиллик статистик ва молиявий ҳисоботни ўзаро мувофиқлаштиришни назарда тутган ҳолда уни тақдим этиш муддатларини қайта кўриб чиқсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан оладиган, шу жумладан почта ва электрон алоқа воситасида оладиган молиявий ҳисобот, солиқлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин, бунда қабул қилиб олиш тартиб-таомилини соддалаштириш, унификациялаштирилган иш жадвали ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ва статистик ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган тартиби ҳамда муддатларига қатъий риоя этилишини таъминласин, бунда микрофирма ва кичик корхоналар:

бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шакли, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шакли ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома — 2-а-шакли — ҳар йили;

статистик ҳисоботни — ҳисобот турларига қараб ҳар чоракда ёки ҳар йили тақдим этадилар.

7. Тадбиркорлик субъектларидан:

давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари белгиланган молиявий ва статистик ҳисоботларга қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишга (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувларни ўтказиш вақтида қилинган талаблар бундан мустасно);

бошқа давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган қонунларда назарда тутилмаган ҳар қандай ахборотни, шу жумладан ҳисобот, маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилишларига йўл қўйилмайдиган тартиб ўрнатилсин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу бандини бузганлик учун шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қаттиқ огоҳлантирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин, тадбиркорлик субъектларидан молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни, шунингдек бошқа маълумотлар ва ҳужжатларни ноқонуний талаб қилишда айбдор бўлган шахсларнинг жазоланиши муқаррарлигини таъминласин.

Белгилансинки, мазкур хатти-ҳаракатларни содир этганлик учун мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида ва Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар, тадбиркорлик субъектларига етказилган маънавий ва моддий зарарнинг ўрни суд қарорига биноан айбдор мансабдор шахслар ҳисобидан қопланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда:

ҳисобот ва ҳисоб-китоблар тизимини, шунингдек ҳисобот ва ҳисоб-китобларни ноқонуний талаб қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини тушунтириш бўйича оммавий ах-

борот воситаларида мунтазам мақолалар чоп этиб борилишини, телекўрсатув туркумлари ташкил этилишини;

минтақаларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича семинарлар, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари ходимлари учун молиявий, статистик ҳисоботлар ва ҳисоб-китобларни қабул қилиш борасида ўрнатилган тартиб бузилишига йўл қўймасликка қаратилган ҳафталик семинарлар ўтказиб турилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 15 июнь,
ПҚ-100-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БАНКЛАРДАГИ ДЕПОЗИТ ҲИСОБВАРАҚЛАРДАН НАҚД ПУЛ ТЎЛОВЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 30-31-сон, 227-модда)

Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан банк даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, аynи вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мавқеини суистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатлар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг вилоят ва шаҳар бўлимлари фаолиятида ҳам худди шундай ҳолатлар мавжуддир.

Шуни назарда тутиш керакки, бундай муносабат банкларга нисбатан ишончга путур етказмоқда, омонатчиларнинг асосли норозилигига сабаб бўлмоқда, аҳоли, тадбиркорлар ва бизнесменларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга қўйишни чеклаб, уларни жалб этишни рағбатлантирмайди, нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга ёрдам бермайди, бутун пул муомаласи тизимини беқарорлаштириб мамлакатга катта иқтисодий зиён етказмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни батамом тугатиш, нақд пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар банклар томонидан узлуксиз бериб борилишини таъминлаш мақсадида:

* 2005 йил 5 августдан кучга кирган.

1. Тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисобварақларга жалб этишни рағбатлантириш ҳамда биринчи талаб бўйича уларнинг ҳисобварақларидан нақд пуллар чекловсиз берилишини амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар қоникарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банклари ходимларининг бюрократик, сансалорлик, лоқайдлик ва таъмагирлик ҳолларини жуда қисқа муддатларда тугатиш учун қонунда ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда унга берилган барча таъсир кўрсатиш механизмлари ва воситаларидан кенг фойдалансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари 2005 йилнинг 1 сентябригача аҳоли, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг талаби бўйича нақд пуллар узлуксиз берилишини таъминлаш мақсадида банклардаги депозит ҳисобварақларда бўлган пул маблағларини бериш тартиби ва амалдаги низомни қайта кўриб чиқиш борасида зарур чоралар кўрсин.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пуллар узлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва йиллик иш яқунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларининг, иш яқунларини кўриб чиқиш вақтида, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга банкларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пулларни кечиктирмай тўлаш борасида ўрнатилган тартиб бир неча марта (ойига уч мартадан кўпроқ) бузилган тақдирда тижорат банклари ҳудудий бўлимлари ва филиалларининг раҳбарлари эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниши лозимлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Нақд пул маблағлари узлуксиз бериб борилишини таъминлаш учун тижорат банкларининг раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пул маблағлари беришни мунтазам кечиктириш ҳоллари мавжуд

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

бўлганида тижорат банкларига нисбатан қаттиқ жавобгарлик чоралари, ҳатто банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензияни қайтариб олиш чораларини қўлласин.

5. Накд пуллар узлуксиз тўланишини таъминлаш мақсадида:

тижорат банклари ўз бўлинмаларида нақд пул маблағларига бўлган талаб тезкорлик билан тўлдирилишини ва миждозларнинг буюртмалари қондирилишини таъминлайдиган нақд пул захирасини яратсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нақд пулларнинг минтақавий захира жамғармаларини ташкил қилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банкларини уларнинг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлар доирасида, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган ҳолда нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминлаб турсин;

нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутиб, республика минтақалари ўртасида нақд пул маблағларини тезкор қайта тақсимлашни амалга оширсин;

тижорат банклари билан биргаликда тижорат банкларининг филиалларидаги нақд пул захиралари ҳажмининг энг кам миқдорини тасдиқласин ҳамда мажбурий захиралар бўйича талабларни ҳисоб-китоб қилиш чоғида умуман банк бўйича амалдаги захиралар суммасини ҳисобга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари:

ўз тузилмаларида нақд пул маблағлари берилиши мониторинги бўйича махсус бўлинмалар ташкил қилсин;

нақд пулни қонуний беришдан бош тортиш ҳоллари қайд этилиши ва назорат қилиниши юзасидан индикаторлар ишлаб чиқсин ва шулар асосида тегишли ойлик ҳисоботни жорий этсин.

Қуйидагилар мазкур бўлинмаларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кундалик нақд пул маблағлари келиб тушиши устидан доимий мониторингни амалга ошириш, шунингдек нақд пул ҳисоб-китобларининг ҳолатини таҳлил қилиш, нақд маблағларни тўлаш

ҳолати, уларни беришни кечиктириш ҳоллари мавжудлиги тўғрисида ҳар ойлик ҳисоботларни тақдим этиш;

нақд пул захиралари ҳолати ва улардан фойдаланишни тезкорлик билан бошқариш, шунингдек бўш нақд маблағлар етарли ҳажмда бўлишини таъминлаш мақсадида улардан оқилона фойдаланиш;

банк мижозларининг нақд пул маблағларини чекловсиз ва узлуксиз бериш масалалари бўйича мурожаат ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан зудлик билан чоралар кўриш, тижорат банкларининг бўлимлари ва филиалларида ушбу масалалар юзасидан текширишлар ўтказиш;

тижорат банклари мансабдор шахсларининг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пуллар узлуксиз берилишига оид талаблар бажарилишини таъминлаш борасидаги фаолияти натижаларига кўра уларни рағбатлантириш ёки жавобгарлик чоралари қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Нақд пулларни бериш масалаларига тезкорлик билан эътибор қаратиш учун ҳар бир минтақада мижозларнинг аризаларини, шу жумладан «ишонч телефони» орқали мурожаатини кўриб чиқиш ва келиб тушаётган мурожаатлар дарҳол текширилиши таъмин қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул сўзсиз ва чекловсиз тўланишини таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳолини ҳар чоракда умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот бериб борадиган.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

банкдан ташқари айланмани чеклаш бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар сотиш, иш ва хизмат кўрсатишдан тушадиган нақд пул тушумларини банк кассаларига тўлиқ топширилиши устидан назоратни кучайтирсин;

банк кассаларига топширилган нақд-савдо тушуми билан чакана товар обороти ва пулли хизматларни амалдаги ҳажмлари ўртасида муносиблик бўлиши, шунингдек чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларида мажбурий фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин. Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловни қабул қилишдан ҳуқуққа зид тарзда бош

тортиш фактлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораси кўрилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказий банк ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур қарорнинг қоидаларига мувофиқлаштирилишини таъминласин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Раиси Ф.М. Муллажонов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 август,
ПҚ-147-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЮРИТИШ УЧУН РУХСАТНОМА ТУРЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИНИ СОДДАЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 37-38-сон, 285-модда)*

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароит-лар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш мақсадида:

1. 2005 йилнинг 1 октябридан бошлаб қуйидагилар белгилансин:

қонун ҳужжатларида белгиланган фаолият турлари билан шугулланиш учун лицензиялар камида 5 йил муддатга берилади;

1-иловага** мувофиқ фаолият турларини амалга ошириш учун лицензиялар чекланмаган муддатга берилади, шу билан бирга тегишли фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензиялар чекланмаган муддатга берилган деб ҳисобланади;

2-иловада** кўрсатилган фаолият турларига лицензия бериш вазифалари тегишли давлат бошқарув органлари зиммасига юклатилади.

Лицензия берувчи органлар ўрнатилган тартибда тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш давлат қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг 2005 йил 1 октябрдан бошлаб 3-иловага** мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритишда бир-бирини такрорлайдиган ва ортиқча рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини бекор қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, тадбиркорлик субъектлари жой-

* 2005 йил 21 сентябрдан кучга кирган.

** 1—3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

лардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органлари томонидан расмийлаштириладиган ва бериладиган рухсатномалар (қарорлар, келишув ва хулосалар)ни олиши зарур бўлган ҳаракатлар ҳамда фаолият турлари рўйхати фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари томонидан айрим ҳаракатларни бажариш ёки фаолиятни амалга ошириш учун рухсатномалар жорий этиш ва рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини ўрнатиш мақсадида қарор қабул қилиши тақиқлансин.

Мазкур органларнинг мансабдор шахслари қарорнинг ушбу банди бузилган тақдирда шахсан жавобгар бўлишлари тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда жорий этилган тартибда «Рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини:

мурожаат асосида рухсатномалар беришни амалиётга тадбиқ этиш;

тадбиркорлик субъектлари рухсатнома олиши зарур бўлган ҳаракатлар ва фаолият турларининг муайян рўйхатини белгилаш;

рухсатномалар бериш жараёнининг соддалаштирилган, аниқ ва асосли механизмлари, «бир дарчага» тамойилидан ўстувор фойдаланиш, рухсатномалар беришга тўланадиган ҳақ миқдорини уларни расмийлаштириш ҳаражатлари билан чеклаш кўзда тутилган ҳолда тайёрлаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 21 сентябрь,
ПК-186-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ХУСУСИЙ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА- ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 30-31-сон, 232-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонини бажариш юзасидан ва чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатлар берилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланганга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор ўртасида инвестиция шартномаси тузилади ва шартнома кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Инвестиция шартномаларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбе-

* 2005 йил 2 августдан қучга кирган.

кистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 2 август,
180-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 2 августдаги 180-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИТОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ
КАФОЛАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ
ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 3-МОДДАСИ
ТЎРТИНЧИ ҚИСМИДА БЕЛГИЛАНГАН
КАФОЛАТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

1. Мазкур Низом «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармониға мувофиқ «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси тўртинчи қисми билан чет эллик инвесторларға ва уларнинг инвестицияларига берилган кафолатларни (кейинги ўринларда матнда кафолат деб юритилади) қўллаш тартибини белгилайди.

2. Кейинги қонун ҳужжатлари муносабати билан инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда инвестициялаш пайтида амал қилган қонун ҳужжатларини ўн йил мобайнида қўллаш тўғрисидаги кафолат:

чет эллик инвесторға тўланадиган дивидендлар шаклида олинадиган даромадға солинадиган солиқ миқдори (ставкалар) кўпайиши;

чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромади (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-қондасини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилиши, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона тўлов қобилиятига эга бўлмаганда ва банкротга учраганда ёки кредиторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш, чет эллик инвестор — жисмоний шахс томонидан содир этилган жиноий қилмиш ёки маъмурий ҳуқуқни бузишлар, ёхуд суд ёки ҳакамлик қарорига мувофиқ бундай репатриацияни тўхтатиб туриш зарурияти ҳолларида камситмасдан қонун ҳужжатларини қўллаш шартларида чет эллик инвесторнинг маблағларини репатриация қилиш давлат томонидан тўхтатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно;

инвестициялашни амалга ошириш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ва инвестициялар миқдори бўйича, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш шаклидаги бошқа қўшимча чора-тадбирлар жорий этилиши;

республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторнинг улушли қатнашиши бўйича чеклашлар жорий этилиши;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-қоидалари, шунингдек чет эл инвестицияларни амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилиши ҳолларида қўлланади.

3. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ қуйидагилар чет эллик инвесторлар ҳисобланади:

чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

давлатлар ўртасидаги битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият кўрсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

чет давлат фуқаролари бўлмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

4. Кафолатнинг амал қилиши:

корхона ташкил этилганда — корхона давлат рўйхатидан ўтказилган санадан;

мол-мулк, улушлар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмитация қилинган акциялар ва бошқа қимматли қорозлар сотиб олинганда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига, улар жойлашган ер участкалари билан турар жой биноларига мулкчилик ҳуқуқи, шунингдек ерга ва табиий ресурсларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқи (шу жумладан ижара асосида) мулкчилик ҳуқуқини ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни мустақамлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан;

интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилганда, муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, товар белгилари, фойдали моделлар, саноат намуналари, фирма номлари ва ноу-хау, шунингдек амалий обрў (гудвилл) ҳам шу жумлага киради — интеллектуал мулкка ҳуқуқлар қўшилишини тасдиқловчи ҳужжат кучга кирган санадан;

концессиялар, шу жумладан табиий ресурсларни разведка қилиш, қазил, қазил чикариш ёхуд фойдаланишга концессиялар сотиб олинганда — концессия шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган санадан;

инвестиция мажбуриятлари чет эллик инвестор Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан тузадиган инвестиция шартномасида бир вақтнинг ўзида мустақамланадиган инвестициялашда — шартнома кучга кирган санадан;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шакллардаги инвестициялашда — чет эллик инвестор томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инвестиция фаолияти амалга оширилишини тасдиқлайдиган ҳужжат кучга кирган санадан бошланади.

5. Мазкур Низомнинг 2-бандида санаб ўтилган инвестициялаш шартлари ёмонлашининг ҳар қандай турлари бошланган тақдирда чет эллик инвестор тегишли ваколатли органи кафолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилади.

Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган давлат ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда хизмат кўрсатувчи банклар чет эллик инвестор томонидан ка-

фолат қўлланиши тўғрисида хабардор қилинадиган ваколатли органлар ҳисобланади.

6. Билдиришнома ёзма шаклда:

чет эллик инвесторга тўланадиган дивидендлар шаклида олинадиган даромадга солинадиган солиқ миқдори (ставкалар) кўпайган тақдирда — корхона рўйхатдан ўтказилган жой бўйича давлат солиқ хизмати органларига;

мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллардан ташқари чет эллик инвесторнинг чет элга ўтказиладиган даромади (фойдаси)ни репатриация қилиш тартиб-қоидасини мураккаблаштирадиган ёки унинг миқдорини камайтирадиган қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — хизмат кўрсатувчи банкка;

инвестицияларни амалга ошириш ҳажмларига миқдорий чеклашлар ва инвестициялар миқдори бўйича бошқа қўшимча талаблар, шу жумладан чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарда чет эл инвестицияларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, республика корхоналарининг устав фондларида чет эллик инвесторларнинг улушли қатнашиши бўйича чеклашлар шаклидаги талаблар, шунингдек чет эл инвестицияларини амалга ошириш бўйича бошқа қўшимча талаблар жорий этилган тақдирда — юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказадиган тегишли давлат ташкилотларига;

чет эллик инвесторларнинг визаларини расмийлаштириш ва муддатини узайтиришнинг қўшимча тартиб-қоидалари жорий этилган тақдирда — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига ва (ёки) Ички ишлар вазирлигига;

чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча кафолатлар ва химоя чоралари берадиган инвестиция шартномаси мавжуд бўлган тақдирда инвестиция шартномасида кўрсатилган инвестициялаш шартлари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юборилади (беради).

Билдиришнома инвестор томонидан инвестициялаш шартларини ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати қабул қилингандан кейин исталган вақтда юборилиши мумкин. Билдиришномада чет эллик инвестор инвестициялаш шартлари ёмонлашди деб ҳисоблайдиган ҳолатлар ва кафолат амал қилиши муддати мобайнида ўзи қўллаш ниятида бўлган инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжати кўрсатилади.

7. Чет эллик инвесторнинг билдиришномаси чет эллик

инвесторга нисбатан ваколатли орган томонидан инвестициялаш санасида амал қилган қонун ҳужжати қўлланиши учун асос ҳисобланади. Билдиришнома, ваколатли органга юборилиши санасидан қатъи назар, инвестициялаш шартларининг ёмонлаштирадиган қонун ҳужжати қучга кирган пайтдан бошлаб амал қилади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторнинг билдиришномасига розилик билдирмаган тақдирда «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси тўртинчи қисми ва мазкур Низом чет эллик инвесторга қўлланишининг қонунийлиги тўғрисидаги юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат қилиши мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мурожаат олинган пайтдан бошлаб икки ҳафта муддатда тегишли ваколатли органга асосланган хулоса юборади.

Ваколатли орган чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.


Чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши ноқонунийлиги тўғрисида Адлия вазирлигининг юридик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда ваколатли орган давлат божи тўламасдан тегишли даъво билан судга мурожаат қилиши мумкин.

9. Ваколатли органнинг чет эллик инвестор билдиришномасига розилик билдирмаслиги, юридик хулоса учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ва чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг ноқонунийлиги тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиши чет эллик инвесторга нисбатан кафолат қўлланишини тўхтатиб туриш учун асос ҳисобланмайди.

10. Мазкур Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ белгиланадиган Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, уларга қўшимчалар киритилиши ёхуд уларнинг бекор қилинишига татбиқ этилмайди.

«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси тўртинчи қисмида белгиланган кафолатларни қўллаш тартиби ҳақидаги низомига
ИЛОВА

КАФОЛАТ ҚўЛЛАНИШИ ҲАҚИДА ЧЕТ ЭЛЛИК ИНВЕСТИОР ТОМОНИДАН
ҲАБАР БЕРИЛИШИ СХЕМАСИ



Чет эллик инвесторларга кафолат қўлланишининг қонунчилигини бўлишида бўлишидаги органлар

Азия вазириликка — чет эллик инвесторга кафолат қўлланиши қонунчилиги тўғрисидаги юридик ҳулоса учун

Судга — чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг қонунчилигини ҳақлидаги даъво билиш*

* Чет эллик инвесторга кафолат қўлланишининг қонунчилигини қарарига асосланган ҳолда, Азия вазирилик, Юридик қўлимча мавжуд бўлган тақдирда ваколатли орган билан боғлиқ шартномасини даъво билан судга мурожат қилиши қилиши.

ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

1. Ушбу Низом «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ чет эллик инвесторларга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) беришда улар билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан инвестиция шартномалари тузиш тартибини белгилайди.

Чет эллик инвесторлар билан уларнинг қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериш билан боғлиқ бўлмаган инвестиция мажбуриятларини мустаҳкамлашга йўналтирилган шартномаларни тузиш ва амалга ошириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Чет эллик инвесторларга кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар):

барқарор иқтисодий ўсишни, мамлакат иқтисодиётини прогрессив таркибий ўзгартиришларни таъминловчи устувор тармоқларни;

республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиётини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришни, республикани жаҳон хўжалик алоқаларига интеграциялашни таъминловчи устувор лойиҳаларни;

амалга оширилиши хом ашё ва материалларни қайта ишлашга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга, аҳолини иш билан таъминлашга йўналтирилган кичик тадбиркорлик соҳасидаги лойиҳаларни инвестициялашнинг ҳар бир аниқ ҳолатида берилади.

3. Қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) бериладиган чет эллик инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида инвестор билан инвестиция шартномаси тузилади.

4. Инвестиция шартномаси инвестиция фаолияти субъектларининг инвестиция фаолияти объектларига нисбатан ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

5. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида тузилади.

6. Инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда мажбурий тартибда тузилади.

Бундай кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолатлари беришни, махсус божхона, солиқ ва тўлов режими яратишни, лойиҳаларни амалга ошириш давлат мониторингини юритишни, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга кўмаклашишни, инвестиция дастурига киритишни ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

7. Инвестиция шартномасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

инвестициялар объекти ва ҳажми;

инвестиция шартномасининг амал қилиш муддати ва шартлари;

инвесторнинг, шу жумладан инвестициялаш ҳажми, ишлаб чиқаришнинг муайян ҳажмини таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва сифатининг кафолатланган даражаси, ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспорти ва кўрсатадиган хизматлари ҳажми, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати кафолати остида жалб этиладиган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, меҳнат қонунчилигига ва техника хавфсизлигига риоя қилиш, ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа соҳалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари бериш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш, пудрат ишларига

шартномалар тузиш муддатлари, молиялаштириш манбалари, лойиҳани амалга ошириш жадваллари, инвестиция лойиҳасининг амалга оширилишини техник назорат қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;

чет эллик инвестор томонидан унинг мажбуриятлари ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари;

томонларнинг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилмаганлиги учун жавобгарлиги;

ўзгартиришлар киритиш тартиби;

инвестиция шартномасининг амал қилишини тўхтатиш тартиби;

инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш тартиби ва кўриб чиқиш жойи.

Инвестиция шартномасида инвестиция лойиҳаси хусусиятига қараб бошқа шартлар, шу жумладан:

томонларнинг минтақанинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича ўзаро мажбуриятлари;

инвесторнинг шартномани бажариш натижасида ўзига тегишли маҳсулотни ва олинган фойдани (даромадларни) Ўзбекистон Республикасидан четга чиқариш ҳуқуқи;

чет эллик инвесторнинг Ўзбекистон Республикаси жисмоний шахслари бўлган ходимларни ёллаш ва ўқитиш бўйича мажбуриятлари, технологиялардан фойдаланиш шартлари, шунингдек инвесторнинг инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тугаллангандан кейин ташкил этилган ташкилотнинг ходимларини ўқитиш бўйича мажбуриятлари ҳам бўлиши мумкин.

8. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасини тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қуйидагиларни тақдим этади:

инвестиция шартномасининг лойиҳаси;

конун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ваколатли органларда экспертизадан ўтказилган техник-иқтисодий асослаш (техник-иқтисодий ҳисоблаш) асосида бажарилган асосий иқтисодий кўрсаткичлар;

инвестиция шартномаси лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси юзасидан — Адлия вазирлигининг ҳулосаси;

чет эллик инвесторларга ва (ёки) ташкил этиладиган хори-

жий инвестициялар иштирокидаги корхонага қонун ҳужжатларида белгиланганларга қўшимча равишда солиқ солиш бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш юзасидан — Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси хулосалари.

9. Зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги чет эллик инвестордан инвестиция шартномаси лойиҳасини баҳолаш билан боғлиқ бўлган қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин.

10. Чет эллик инвестор томонидан тақдим этилган инвестиция шартномаси лойиҳаси ва бошқа материаллар инвестиция шартномаси лойиҳаси олинган кундан бошлаб ўн тўрт иш куни мобайнида ваколатли органлар томонидан кўриб чиқилади.

11. Зарурат бўлган тақдирда, инвестиция шартномаси қоидаларини келишиб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда чет эллик инвестор (инвесторлар) ўртасида музокаралар ўтказилади.

12. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади.

Агар инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши керак бўлса инвестиция шартномасини тасдиқлаш тўғрисидаги тегишли банд инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослаши (техник-иқтисодий ҳисоби)ни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасига киритилиши мумкин.

Агар инвестиция шартномасида солиқ ҳамда божхона имтиёзлари ва преференциялари бериш назарда тутилса бундай шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланади.


13. Чет эллик инвестор билан инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради, агар ушбу қарорда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

14. Чет эллик инвестор инвестиция шартномасида белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг чет эллик инвестор томонидан бажарилишини назорат қилади.

15. Ушбу Низомнинг амал қилиши у кучга киргандан кейин амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларига татбиқ этилади.

Инвестиция шартномаларини
тузиш ва амалга ошириш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**ИНВЕСТИЦИЯ ШАРТНОМАСИНИ ТУЗИШ ВА
АМАЛГА ОШИРИШ СХЕМАСИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 43-44-сон, 331-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 сентябрдаги ПҚ–186-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб кўйилсинки:

хўжалик юритувчи субъектларга мазкур қарор кучга киргунга қадар берилган улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномалари уларнинг амал қилиш муддати тугагунгача амал қилади;

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи амалдаги рухсатнома гувоҳномалари хўжалик юритувчи субъектнинг тақдим этилган аризаси ҳамда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаси асосида қўшимча йиғимларсиз улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясига қайта расмийлаштирилиши мумкин. Қайта расмийлаштириш муддати икки иш кунидан кўп бўлмаслиги керак;

улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаларининг амал қилиш муддати тугагандан кейин хўжалик юритувчи субъектлар белгиланган тартибда улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясини оладилар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2006 йил 1 январгача улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензияси бланкаларини тайёрлаш ва уларни бериш ишлари ташкил этилишини таъминласинлар.

* 2005 йил 5 ноябрдан кучга кирган.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома гувоҳномаларининг амал қилиш муддати 2005 йил 21 сентябрдан кейин тугаган хўжалик юритувчи субъектларга 21 сентябрдан 2006 йил 1 январгача бўлган даврда, уларга нисбатан фаолиятни лицензиясиз амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилмасдан, улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В.А. Голишев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 5 ноябрь,
242-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарорига
ИЛОВА

УЛГУРЖИ САВДО ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа лицензиялар асосида товарларнинг айрим турлари билан улгуржи савдо қилувчи юридик шахсларнинг улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш лицензиясини олишлари талаб этилмайди.

2. Улгуржи савдони амалга ошириш фаолияти лицензияланиши керак.

Тижорат мақсадларида фойдаланиш ёки ўз ишлаб чиқариш-хўжалик эҳтиёжлари учун ҳисоб-китобларнинг нақд пулсиз

шаклида харид қилинадиган товарларни сотиш улгуржи савдо фаолияти деб эътироф этилади.

3. Улгуржи савдо фаолияти билан фақат юридик шахслар шуғулланишлари мумкин.

4. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига намунавий (оддий) лицензиялар берилади.

5. Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш юридик шахс-лицензия талабгори рўйхатдан ўтказилган жойдаги шаҳар (туман) ҳокимлиги (кейинги ўринларда «лицензияловчи орган» деб аталади) томонидан амалга оширилади.

6. Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия бериш юзасидан ҳужжатлар кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

7. Лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Давлат божи суммаси республика бюджетига ўтказилади.

8. Улгуржи савдо фаолиятини амалга ошириш учун лицензия чекланмаган муддатга берилади.

II. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИ

9. Қуйидагилар улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишни тартибга солувчи қонун ҳужжатларига риоя қилиш;

энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдорида, улардан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдорида пул маблағлари билан шакллантирилган устав фондининг мавжуд бўлиши;

мажбурий тартибда сертификатланиши керак бўлган товарлар сотилган тақдирда мувофиқлик сертификатлари ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда сертификатланганлиги тўғрисидаги маълумотлар ёхуд уларнинг нусхалари мавжуд бўлиши.

III. ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ХУЖЖАТЛАР

10. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга куйидаги хужжатларни такдим этади:

а) юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги хисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисида ариза;

б) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

в) энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдоридида устав фонди шакллантирилганлигини тасдиқловчи хужжатнинг, шу жумладан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдоридида пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк хужжатининг нусхаси;

г) лицензия бериш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган хужжатлар ва бошқа маълумотларнинг такдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Хужжатлар лицензия талабгори томонидан лицензияловчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

13. Лицензия олиш учун такдим этилган хужжатлар лицензияловчи орган масъул ходими томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

IV. АРИЗАНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШ ЁКИ ЛИЦЕНЗИЯ БЕРИШНИ РАД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

14. Хужжатларни кўриб чиқиш ва улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш муддати ариза ва ли-

цензия олиш учун барча зарур ҳужжатлар тушган кундан бошлаб икки иш кунини ташкил этади.

15. Лицензияловчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир иш кунини мобайнида лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилади.

Лицензия бериш ҳақида қарор қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

16. Лицензия битими лицензияловчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

17. Лицензиялар лицензияловчи орган томонидан мазкур Низомга илова қилинган шакл бўйича бланкаларда расмийлаштирилади ва шаҳар (туман) ҳокими ёки унинг ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобот бериладиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади.

Лицензиялар бланкаларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 декабрдаги 488-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

18. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган кунда лицензия битими тузилади ва лицензия берилади.

19. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицен-

зия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензияни бекор қилишга ҳақлидир.

20. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия беришни бошқа асосларга, шу жумладан мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Лицензия талабгори лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-харакати (харакатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

21. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

22. Лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. ЛИЦЕНЗИЯЛАРНИ ҚАЙТА РАСМИЙЛАШТИРИШ, ДУБЛИКАТ БЕРИШ

23. Лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан ёки жой-

лашган жойи (почта манзили) ўзгаргандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш учун лицензияловчи органга мурожаат қилиши шарт.

24. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

25. Лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензияловчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияни қайта расмийлаштириш лицензияловчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб икки кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияни қайта расмийлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия қайта расмийлаштирилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

26. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати олиш учун лицензиат лицензияловчи органга юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ва лицензия дубликати берилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган ҳолда дубликат бериш тўғрисида ариза беради.

Лицензия дубликати беришда қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Лицензия дубликати берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. ЛИЦЕНЗИЯ ТАЛАБЛАРИ ВА ШАРТЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш йўли билан тегишли назорат қилувчи органлар томонидан амалга оширилади.

Тегишли назорат қилувчи органлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган

масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраши ва олишлари мумкин.

Текширишлар натижалари асосида текшириш далолатномаси тузилади. Бузилишлар аниқланган тақдирда, текшириш далолатномасида лицензия талаблари ва шартлари бузилишларининг аниқ ҳолатлари кўрсатилади.

Текшириш далолатномаси нусхаси лицензияловчи органга юборилади, лицензияловчи орган лицензия талаблари ва шартлари бузилиши ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда лицензиатга лицензия талаблари ва шартларининг аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юқловчи қарор чиқаради, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилайди.

28. Текшириш далолатномаси икки нусхада тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси назорат қилувчи органда қолади.

VII. ЛИЦЕНЗИЯНИНГ АМАЛ ҚИЛИШНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, ТЎХТАТИШ, ЛИЦЕНЗИЯНИ БЕКОР ҚИЛИШ

29. Лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига мувофиқ лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилишини ўн кундан ортиқ муддатга тўхтатиб туриш суд тартибида амалга оширилади.

Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиш мумкин. Лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилиши асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 23 ва 24-моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

VIII. ЛИЦЕНЗИЯЛАР РЕЕСТРИ

31. Лицензияловчи орган белгиланган тартибда лицензиялар реестрини юритади.

32. Лицензиялар реестрида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) лицензиатлар ҳақидаги асосий маълумотлар, у қуйидагиларни ўз ичига олади: юридик шахснинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар (рўйхатга олиш санаси, берилган санаси ва давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг тартиб рақами), почта манзили, ва, мавжуд бўлган тақдирда, телефон, факс рақами, электрон почта манзили;

б) фаолиятнинг лицензияланадиган тури;

в) лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

г) лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

д) лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

е) лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан манфаатдор юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очик ҳисобланади ва ёзма сўров бўйича ҳамда сўров учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгач аниқ лицензиатлар тўғрисидаги реестрдан кўчирма шаклида уч кун муддатда берилади.

34. Лицензиялар реестридан бир лицензиат тўғрисида маълумот берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридан тўлов ундирилади.

Лицензиялар реестридан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар текин берилади.

35. Реестрдан маълумот берилганлиги учун йиғим суммаси лицензияловчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ДАВЛАТ ГЕРБИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲОКИМЛИГИ**

**ЛИЦЕНЗИЯ
АА № 000**

Мазкур лицензия билан _____ га
(лицензия эгасининг тўлиқ номи)

_____ (фаолиятнинг рухсат берилган тури)

_____ ни амалга ошириш-
га рухсат берилади.

Лицензия эгасининг жойлашган жойи (почта манзили): _____

Солиқ тўловчи-лицензия эгасининг идентификация рақами _____

Лицензия берилган сана _____

Лицензиянинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Реестр бўйича тартиб рақами _____

Ваколатли шахс:

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ, СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ВА ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ҲИСОБ-КИТОБЛАР, ЎЗМА АРИЗАЛАР ВА БИЛДИРИШНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ ҲАМДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАКИДА*

*(Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўпла-
ми, 2005 й., 30-31-сон, 238-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғри-
сида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан
тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни
ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш
тўғрисида»ги ПҚ-100-сонли қарорига асосан Давлат солиқ
кўмитаси **қарор қилади:**

1. «Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъект-
ларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва
даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар,
ўзма аризалар ва билдиришномалар қабул қилиб олиш ҳамда
рўйхатдан ўтказиш тўғрисида»ги Низоми иловага асосан тасдиқ-
лансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
1999 йил 28 сентябрда 824-сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбе-
кистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан
1999 йил 10 сентябрда 99-114-сон билан тасдиқланган «Солиқ
тўловчиларнинг ҳисоботлари ва балансларини қабул қилиш вақ-
тинчалик тартиби» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирли-

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил
29 июлда 1500-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган, 2005 йил
8 августдан кучга кирган.

гида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат солиқ кўмитаси
раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2005 йил 10 июль,
2005-42-сон

Давлат солиқ кўмитасининг
2005 йил 10 июлдаги 2005-42-сон қарорига
ИЛОВА

**ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ
ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИДАН МОЛИЯВИЙ
ХИСОБОТ, СОЛИҚЛАР, МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР ВА
ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯЛАР
БЎЙИЧА ХИСОБ-КИТОБЛАР, ЁЗМА АРИЗАЛАР ВА
БИЛДИРИШНОМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ
ҲАМДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ-100 сонли қарорига асосан солиқ тўловчилар томонидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар, даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар (шу жумладан қонунчиликка мувофиқ ҳисоб-китобларга илова қилинадиган ҳужжатлар) ҳамда солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш, тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни (бундан кейин «ҳисоботлар») солиқ органларига тақдим этиш борасида ўзаро муносабатлар тартибини белгилайди.

2. Низом амалдаги қонунчиликка кўра солиқ тўловчи бўлган ва давлат солиқ хизмати органларига ҳисоботлар тақдим этиши белгиланган тадбиркорлик субъектларига ва бошқа ташкилотларга (бундан кейин «солиқ тўловчи») татбиқ этилади.

II. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ҲИСОБОТ ТАҚДИМ ЭТИШ ТУРЛАРИ

3. Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг шакллари, уларни тузиш тартиби ва тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Бунда микрофирма ва кичик корхоналар бухгалтерия балансидан иборат молиявий ҳисобот — 1-шаклни, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот — 2-шаклни ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома — 2-а-шаклни ҳар ҳисобот йили бўйича ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралидан кечикмасдан давлат солиқ хизмати органларига топширилади.

4. Солиқлар, мажбурий тўловлар ва ажратмалар бўйича ҳисоб-китобларни тузиш тартиби ҳамда тақдим қилиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

5. Амалдаги қонунчилик билан белгиланган молиявий, солиқ ҳисоботлар ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш билан боғлиқ бўлган мажбурий маълумотномалардан ташқари солиқ тўловчилардан кўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян ман этилади.

6. Ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан қуйидаги тартибларда тақдим этилиши мумкин:

а) солиқ тўловчи ҳисобга қўйилган давлат солиқ хизмати органига бевосита ташрифи орқали.

Ушбу тартибда ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи томонидан икки нусхада тузилиб, белгиланган муддатларда давлат солиқ инспекциясининг солиқ тўловчиларнинг ҳисобот ва балансларни қабул қилувчи тегишли бўлинмага тақдим этилади.

Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботлар солиқ инспекциялардаги алоҳида махсус ажратилган хоналарда (операцион залларда) тақдим этилади.

б) почта алоқаси орқали.

Ушбу тартибда солиқ тўловчи томонидан ҳисоботлар икки нусхада тузилиб, битта конвертга солинади ва ўзининг муҳри билан тамғаланади. Конвертга солинган ҳисоботлар, солиқ тўловчилар ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекциясига почта орқали юборилади.

с) электрон ҳужжат айланиши орқали.

Ушбу тартибда ҳисоботлар солиқ тўловчи томонидан электрон шаклларда тайёрланиб, белгиланган муддатларда ҳисобга қўйилган давлат солиқ инспекцияларига электрон алоқа орқали юборилади. Электрон ҳужжатларда тайёрланган ҳисоботлар бевосита солиқ тўловчи ёки уларнинг ахборот воситачиси орқали юборилиши мумкин.

Электрон шаклда қайд этилган ҳисоботлар электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва ҳисоботларнинг белгиланган шакллари тўлиқ тўлдирилган бўлиши керак. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлашга доир ёзма аризалар ва билдиришномаларни идентификация қилиш имкониятини берадиган куйидаги мажбурий реквизитларига эга бўлиши керак:

электрон рақамли имзо;

электрон ҳужжатни жўнатувчи солиқ тўловчининг номи;

электрон ҳужжатни жўнатувчининг почта ва электрон манзили;

ҳужжат яратилган сана.

Электрон ҳужжатларда тақдим этилаётган ҳисоботлардаги маълумотларни ҳимоясини таъминлаш мақсадида, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчилари томонидан маълумотларни криптография ҳимоя воситалари қўлланилади.

Электрон шаклда ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчилар ушбу ҳисоботларни қоғоз нусхаларда тақдим этиш мажбуриятига эга эмас.

7. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби солиқ тўловчилар томонидан танлаб олинади.

Бунда, ҳисоботларни тасдиқланган шаклларда тақдим этилиши таъминланиши шарт.

III. СОЛИҚ ИДОРАЛАРИНИНГ ҲИСОБОТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8. Солиқ тўловчилар томонидан электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилиш ва иш-

лов бериш учун ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмада алоҳида электрон манзилга эга бўлган электрон ҳужжатларни қабул қилиб олувчи компьютер ўрнатилади. Ушбу компьютер давлат солиқ инспекциясининг локал тармоғига уланган бўлиши лозим.

9. Почта алоқаси орқали солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган ҳисоботлар давлат солиқ инспекциясининг умумий бўлимига келгач, умумий бўлим почта конвертидаги барча ҳужжатларни ягона рақам ва келиб тушиш санаси билан рўйхатдан ўтказиб, бир кун ичида реестр асосида ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага тақдим этади.

10. Солиқ тўловчилар ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинманинг маъсул ходимларига бевосита ҳисоботларни топширганда, ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс солиқ тўловчининг ҳисоботнинг иккинчи нусхасининг ўнгдан пастки бурчагига давлат солиқ хизмати идорасининг рўйхатга олиш штампини қўяди, кириш рақами ва ҳужжатнинг келиб тушган санасини кўрсатади.

11. Давлат солиқ инспекциясининг ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлари тушгандан сўнг, уларни олинганлигини, ушбу тартибдаги 1-иловага мувофиқ, солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини рўйхатга олиш журналига бир кун ичида қайд қиладилар.

Топшириладиган ҳисоботларни қайд қилиш журнали рақамланиши, тикилган, Давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг имзоси ва муҳр билан тасдиқланиши лозим.

12. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини олиш журналида ҳисоботлар солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган санаси:

электрон ҳужжат айланиши орқали тақдим этилганда, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;

ҳисоботларни жўнатувчи томонидан унинг бекор қилиниши мумкин бўлмаган жўнатилиш санаси;

почта алоқаси орқали тақдим этилганда, ҳисоботларни юборилганлиги тўғрисида почта бўлимининг штампдаги санаси;

солиқ тўловчиларнинг бевосита давлат солиқ инспекциясига ташрифи орқали тақдим этилганда, мазкур Низомнинг 10-бандига мувофиқ ҳисоботларни қабул қилиб олган шахс томо-

нидан ҳужжатнинг келиб тушганлиги тўғрисида кўрсатилган сана-си ҳисобланади.

13. Ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинма ходимлари солиқ тўловчилардан қабул қилинган ҳисоботларда қуйидагиларнинг мавжудлигини текширадилар:

ҳисоботлар шаклларини тўлиқлигини;

ҳисоботларда мансабдор шахсларининг имзоларининг ва муҳрнинг мавжудлиги;

электрон ҳужжат айланиши орқали юборилганда ҳисоботлардаги мансабдор шахсларнинг электрон рақамли имзоларининг мавжудлигини ва электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турганлиги ҳам текширилади;

ҳисоботларнинг барча мажбурий реквизитларини (банк ҳисобварақлари рақамлари, солиқ тўловчининг идентификация рақамлари, юридик манзил, саналар ва шу кабиларни) тўлдиришини;

ҳисоботлардаги шаклларида назарда тутилган барча кўрсаткичларни тўлдиришини, шунда корхонада тегишли активлар, пассивлар, операциялар мавжуд бўлмаган ҳолда бу модда (қатор, устун чизиб) («х» белги билан) қўйилганлигини.

14. Солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини қайта ишлов бериш келиб тушган пайтидан то ҳисоботнинг ёки мулоҳазаларнинг бир нусхаси солиқ тўловчига берилиши пайтигача икки кундан ошмаган муддатда амалга оширилиши лозим.

Агарда юқорида айтилган муддатнинг тугаш вақти дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, шундан кейинги биринчи иш куни муддатнинг тугаш куни ҳисобланади.

15. Ҳисоботга доир эътирозлар бўлмаган тақдирда тааллуқли компьютер дастури орқали ҳисобот кунига ҳисобланган солиқ тўловлари суммалари кўрсаткичлари ҳисобварақларига ёзувларни ўтказиш ва бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобларга кўра оператив таққосланишни амалга ошириш учун, солиқлар тушумини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва солиқ статистикасини олиб боровчи бўлинмага топширилади, шундан кейин бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳақидаги маълумотлар кўчирилиб, солиқ суммаларининг шахсий ҳисобварақларига ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотни компьютердан чиқариб, белгиланган ҳолда ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинмага топширилади.

16. Шундан кейин, ҳисоботларни қабул қилувчи бўлинма-

нинг ходимлари, қоғоз шаклларда тақдим этилган ҳисоботларни қабул қилингани ҳақида штамп қўйиб, қабул қилинган ҳисоботнинг бир нусхасини солиқ тўловчига қайтарадилар.

Электрон шаклдаги ҳисобот қабул қилинганлиги ҳақида солиқ инспекциясининг мансабдор шахси томонидан электрон рақамли имзо қўйилади ва имзоланган ҳисобот солиқ тўловчига қайтарилади.

Ҳисоботнинг қабул қилинган нусхаси, солиқ тўловчи томонидан ушбу ҳисобот тақдим этилган шаклига қараб, яъни электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига қайтарилади.

17. Тақдим этилган ҳисоботлар белгиланган талабларга мувофиқ келмаган тақдирда давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан, мазкур Низомда белгиланган муддатларда ҳамда Низомнинг 2-иловасига мувофиқ «Ҳисоботга доир мулоҳазалар» тайёрланиб, қайта ишлаш учун солиқ тўловчига қайтарилади.

«Ҳисоботга доир мулоҳазалар» ва ҳисоботлар, солиқ тўловчи томонидан ушбу ҳисобот тақдим этилган шаклига қараб, яъни электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига қайтарилади.

18. Мазкур мулоҳазалар тузатилиш ва ҳисоботлар топшириш учун белгиланган муддатдан кечиктирмай тақдим этилиши лозим. Бундай ҳолда амалдаги қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик чоралари солиқ тўловчига нисбатан қўлланмаслиги лозим.

19. Билдирилган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда такрор ишлаб чиқилган ҳисобот давлат солиқ хизмати идорасига қайта тақдим этилади ва ҳисоботга боғлиқ кейинги ишлар ушбу Низомнинг 15-16-бандларига мувофиқ амалга оширилади.

20. Солиқ тўловчиларнинг қабул қилинган ҳисоботлари ҳисоботлар ва балансларни қабул қилиш бўлинмасида махсус ажратилган ва ёпиладиган яроқли идора шкафларида ва қонунчилик билан белгиланган муддатларда сақланиши лозим.

Электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботлар махсус ажратилган компьютерларда сақланади. Электрон ҳисоботларни сақлаш чоғида улардан фойдаланиш ва уларнинг қоғоз нусхаларини тақдим этиш имконияти таъминланиши лозим.

Электрон шаклдаги ҳисоботларни сақлаш муддати, қоғоз нусхалардаги ҳисоботлар учун белгиланган муддатдан кам бўлмаслиги керак.

IV. ХИСОБОТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛЛАШТИРИШ

21. Солиқ тўловчилар ҳисоботларни топшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари бўйича ахборот ва маслаҳатлар олиш;

солиқлар ва йиғимлар бўйича бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги ўз мажбуриятларини бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш;

солиқ солиш объектини ҳисобга олишда, солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзлари йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш.

бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ортиқча миқдорда тушган солиқлар ва йиғимлар суммасини қайтариш тўғрисида ёзма ариза билан мурожаат қилиш.

22. Мазкур Низомнинг 21-бандида кўрсатилган мурожаатлари юзасидан маълумотлар солиқ органлари томонидан, солиқ тўловчиларнинг хоҳишига кўра — электрон ҳужжат айланиши орқали, почта алоқаси орқали ёки бевосита солиқ тўловчининг ўзига тақдим этилади.

Шунда, ҳар бир маълумот белгиланган тартибда солиқ органининг муҳри ва мансабдор шахснинг имзоси билан тасдиқланади. Электрон ҳужжат орқали тақдим этилган маълумот эса солиқ органи мансабдор шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

23. Давлат солиқ органларида солиқ тўловчилардан ҳисоботлар тўлиқ иш куни давомида қабул қилинади.

24. Солиқ тўловчилардан ҳисоботларни қабул қилишда, уларни мулкчилик шаклига, фаолият турига, тўлаётган солиқ турларига қараб ёки бошқа мезонларга қараб ҳисоботларни қабул қилувчи ходимларга бириктириш қатъиян ман этилади.

25. Солиқ тўловчилар томонидан ҳисоботларни топшириш жараёнида қулайликлар яратиш мақсадида ҳисоботларни қабул қилиш ҳар бир операцион залларда:

тегишли меъёрий ҳужжатлар ҳамда солиқ тизимидаги янгиликларни ёритувчи инфорацион ахборот стендлари:

ҳисоботларни қабул қилиш бўлинмасининг ходимларини

жойлашганлиги ва уларнинг функционал вазифалари ҳақида
информацион ахборот стендлари;

солиқ инспекциясининг локал ахборот тизимига уланмаган,
меъёрий ҳуқуқий-информацион дастурлари киритилган компью-
терлар ўрнатилиши;

ҳисоботларни топширишда мавжуд саволлар ва муаммолар,
шунингдек солиқ қонунчилигида ўзгаришлар тўғрисида солиқ
тўловчиларга тезкор консултациялар бериш учун солиқ хизмати
органининг маъсул ходимини бириктириш лозим.

V. ҲИСОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ

26. Ҳисоботларни қабул қилиш бўлинмаси ва солиқ идора-
сининг бошқа бўлинмалари маъсул ходимлари (ҳисоботлардан
фойдаланувчилар), солиқ тўловчиларнинг топширган ҳисобот-
лардан фойдаланишни (маълумотларни кўчириб ёзиш, ҳисобот
шаклларида, солиқ ҳисоб-китобларидан нусхалар олиш) фақат
махсус ажратилган хонадан амалга оширишлари мумкин ва шу
хонадан ташқарига олиб чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эмаслар.

27. Ҳисоботдан фойдаланувчига солиқ тўловчининг бухгал-
терлик ҳисоботи ёки ҳисоботларнинг айрим шакллари зарур
бўлиб қолган тақдирда ҳисоботдан фойдаланувчи зарур ҳужжат-
ларнинг нусхаларини олишга ҳақлидир.

Ҳисоботдан фойдаланувчиларни ва улар томонидан олинган
айрим ҳисобот шаклларини рўйхатга олиш учун 3-иловада кўрсат-
тилган, рақамланган, тикилган ва муҳр билан тасдиқланган
ҳисоботлардан фойдаланувчиларни рўйхатга олиш журнали
юритилиши зарур.

28. Ҳисоботлардан фойдаланувчиларга ҳисоботлар ўрнатил-
ган тартибда фақатгина солиқ органларининг бошликлари ва
уларнинг ўринбосарларини ёзма равишдаги кўрсатмасига асосан
берилиши зарур.

VI. ҲИСОБОТЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШДА ДАВЛАТ СОЛИҚ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ВА ҲИСОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

29. Солиқ тўловчилардан ҳисоботларни қабул қилувчи
бўлинма ходимлари:

ҳисоботларнинг сақланиши ва ундаги маълумотлари сир сақланишини таъминлаш учун;

амалдаги қонунчилик билан белгиланган молиявий ва солиқ ҳисоботлардан ташқари солиқ тўловчилардан қўшимча равишда ҳар қандай маълумотлар, маълумотнома ва ҳужжатларни талаб қилганлик учун;

ушбу Низомнинг 13-бандида кўрсатилган саволлар бўйича олиб борилган текширувнинг сифатсиз амалга оширилганлик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

30. Ҳисоботлардан фойдаланувчилар солиқ тўловчиларнинг ҳисоботлардаги маълумотларининг сир сақланиши учун қонунда белгиланган тартибда жавобгардирлар.

VII. СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

31. Солиқ тўловчилар, тақдим этиладиган ҳисоботлар тасдиқланган шаклларда тўлдирилиши, ундаги барча кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ҳамда ҳисоботларни ўз вақтида топширилиши учун амалдаги қонунларга мувофиқ жавобгар бўладилар.

Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга

1-ИЛОВА

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

| № | Солиқ тўловчининг номи | Ҳисоботнинг тури (молиявий ҳисобот, солиқлар ёки мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоб ва ҳоказо) | Ҳисоботлар тақдим этилган сана | | | | Қайта ишлашга юборилган сана | Ҳисобот қайта ишловдан сўнг қабул қилинган сана |
|---|------------------------|--|---------------------------------|----------------------|---|---|------------------------------|---|
| | | | электрон ҳужжат айланиши орқали | Почта алоқаси орқали | солиқ тўловчиларнинг бевосита солиқ инспекциясига таширифи орқали | 6 | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | |

Изоҳ 4, 5, 6-устунларда ҳисоботни қабул қилиш санаси Низомнинг 14 бандига мувофиқ белгиланади.

Давлат солиқ хизмати органлари тадбир-корлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ҲИСОБОТЛАР ЮЗАСИДАН МУЛОҲАЗАЛАР

1. Ҳисоботлар тўлиқ эмас _____
(ҳисоботларнинг қайси шакллари иўқалиги кўрсатилсин)

2. Мансабдор шахслар имзоси йўқ _____
(қайси шаклларда)

3. Барча реквизитлар тўлдирилганми:

- банк ҳисоботлари рақами
- СТИР фаолият коди
- юридик манзил
- жавобгар шахс

Зарурат бўлса, қайси шаклларда тўлдирилмаганлиги кўрсатилсин

4. Ҳисоботлар шаклларининг тўлдирилмаган кўрсаткичлари бор ёки ҳисобот шакллари белгиланган меъёрлар бузилган ҳолда тўлдирилган _____
(қайси шаклларда эканлиги кўрсатилсин)

5. _____ солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қўлланадиган имтиёзлар тафсилоти йўқ

6. _____ солиқларни ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилишда тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисоб-китоблар) йўқ

7. Бошқалар _____
(сабаби кўрсатилсин)

Изоҳ: мулоҳазалар фақат ҳисоботлар юзасидан эътирозлар бор бўлганда тўлдирилади. Мулоҳазалар икки нусхада тўлдирилади, улардан биттаси инспекцияда сақланади.

Инспектор _____ (исми, шарифи); сана _____

Давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларидан молиявий ҳисобот, солиқлар, мажбурий тўловлар ва даромадлар тўғрисидаги декларациялар бўйича ҳисоб-китоблар, ёзма аризалар ва билдиришномаларни қабул қилиб олиш ҳамда рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги низомга

З-ИЛОВА

ҲИСОБОТЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ РҲҲАТГА ОЛИШ ЖУРНАЛИ

| № | Ҳисоботдан фойдаланувчи (исми, шарифи) | Фойдаланган ҳисоботлар рўйхати | Олинган вақти | Олувчининг имзоси | Қайтариш вақти | Қайтариб олувчининг имзоси |
|---|--|--------------------------------------|------------------|----------------------|-------------------|----------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |

Хурматли тadbиркорлар, ушбу имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳуқуқига эгасиз !

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, юқорида қабул қилинган фармон ва қарорлар нормаларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 2005 йил 11 октябрдаги 224-сон қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва айримлари ўз кучини йўқотган деб ҳисобланди. Хусусан:

1. Бундан кейин Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларига киритилган ўзгартиришларга асосан суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, биржалар, бозорлар билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик компаниялари (давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинг компаниялари) шаклидаги давлат бошқарув органлари Адлия органларида давлат рўйхатидан ўтадиган бўлди.

Шунингдек, устав фонди тўлиқ хорижий инвесторлар томонидан шакллантириладиган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун 2 минг АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўлаш нормаси бекор қилиниб, эндиликда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар билан бир қаторда давлат рўйхатидан ўтганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари миқдорида давлат божи тўлайдиган бўлди.

2. Ушбу қарор асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан тақомиллаштириш тўғрисида»ги 357-сон қарорига ўзгартириш киритилиб, тadbиркорларга янада енгилликлар яратиш мақсадида бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ташкил этиладиган тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилиш учун белгиланган миқдорнинг атига 20 фоизи миқдорида давлат божи ундирилиши белгиланди. Бундан ташқари, деҳқон хўжаликлари рўйхатдан ўтказиш йиғими тўлашдан озод этилди.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»

ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 357-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 12-бандида кўрсатилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хатлари давлат тилига таржима қилинган ҳамда белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган ҳолда тақдим этиладиган бўлди.


4. Шу билан биргаликда, тадбиркорлик субъектлари бундан кейин номини ўзгартирган тақдирда – туман (шаҳар) статистика органлари томонидан белгиланган тартибда берилган янги фирма номи тўғрисидаги гувоҳноманинг, рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхалари, алмаштириладиган муҳр ва штамп, шунингдек янги муҳр ва штамп намуналарининг уч нусхадаги эскизини тақдим этадиган бўлди. Бундан ташқари, муассислар таркибига хорижий шахс кириши билан боғлиқ ҳолда таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда рўйхатдан ўтказган органга, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма ва Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис рўйхатдан ўтказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хатлари ҳам давлат тилига таржима қилинган ҳамда белгиланган тартибда но-

тариал тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши лозимлиги белгиланди.

5. Шунингдек, янги тартибга асосан бошқа органнинг юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган тадбиркорлик субъектларини қайта рўйхатдан ўтказиш учун тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш учун назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ушбу реестрдан кўчирма ҳам тақдим этилади. Кўчирма тадбиркорлик субъекти мурожаати олинган пайтдан бошлаб бир кун мобайнида тадбиркорлик субъекти ҳисобда турадиган юридик шахслар давлат реестридаги орган томонидан берилади.

Тадбиркорлик субъектини қайта рўйхатдан ўтказишда тадбиркорлик субъектига олдин рўйхатдан ўтказилган сана тўғрисида ҳамда рўйхатдан ўтказган орган тўғрисидаги маълумот кўрсатилган давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома берилади. Тадбиркорлик субъектини янгидан рўйхатдан ўтказган орган икки кун мобайнида ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган органга тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини юборади. Ушбу тадбиркорлик субъекти юридик шахслар давлат реестрида ҳисобда турган орган тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини олгандан кейин унинг рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини янгидан қайта рўйхатдан ўтказган органга юборади ва бу тўғрисида давлат реестрига тегишли ёзув киритади.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби Сизни ва сизнинг бизнесингизни назорат қилувчи органларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилишини эсда тутинг!



Текширишни амалга оширувчи назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари текшириш бошланишидан олдин Текширишларни рўйхатга олиш китобига тегишли ёзувлар киритиши лозим.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби мулкчилик шаклидан

катъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан юритиладиган расмий ҳужжат ҳисобланиб, белгиланган намунага мувофиқ бўлиши, қаттиқ муқова билан қопланган ва рақамланган, тикилган, варақлар сони ва Китобни юритиш санаси кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг имзоси ва муҳри (якка тартибдаги тадбиркор учун — агар у мавжуд бўлса) билан тасдиқланган бўлиши керак. Текшириш бошланишидан олдин хўжалик юритувчи субъект раҳбари текширувчи мансабдор шахсга ТРОКни тегишли устунларини тўлдириш учун тақдим этади.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда Текширишларни рўйхатга олиш китоби мавжуд бўлмаган тақдирда, текшириш далолатномасида (маълумотнома) бу ҳақда тегишли ёзув киритилиши шарт. *Текширувчи мансабдор шахс Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдиришдан бош тортса, у текширишга қўйилмайди.* Текширишларни рўйхатга олиш китоби тўлдирилгандан ва текшириш тугагандан сўнг мансабдор шахс — текшириш раҳбари ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) унда қайд қилинган ёзувларни тўғрилигини ўзларининг имзолари билан сана ва вақтни кўрсатган ҳолда тасдиқлайдилар.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби намунаси

| № | Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи | Текширувчининг Ф.И.О. ва гувоҳнома рақами | Аудиторлик ташкилотининг номи (лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш мuddати), аудитор, экспертнинг Ф.И.О. (шахсини тасдиқловчи ҳужжат) | Текшириш ўтказиш учун асос, жиноят ишнинг рақами | Текширишнинг тури ва мақсади |
|---|---|---|--|--|------------------------------|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |

| Текшириш ўтказиш учун белгиланган мuddатлар | Текширишни бошлаш ва тугатиш санаси ва вақти (ҳар куни) | Текширишнинг ҳақиқатан давом этган мuddати | Талаб қилинган ҳужжатлар | Текшириш мобайнида кўрилган чоралар | Ҳўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) фикри |
|---|---|--|--------------------------|-------------------------------------|--|
| 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |

Текширишларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш қоидалари:

- Текширувчи орган 2—7, текширилувчи хўжалик юритувчи субъект 8—12 устунларни тўлдириши шарт.
- Иккинчи устунда текширувчи органнинг тўлик расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.
- Учинчи устунда текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган идора номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.
- Тўртинчи устунда аудиторлик ташкилоти ва/ёки эксперт жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудитор ёки экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи гувоҳнома рақами кўрсатилади.
- Бешинчи устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси, буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни тасдиқлаш рақами ва санаси; кўзватилган жиноят иши иш билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.
- Олтинчи устунда текшириш турининг тўлик номи (режали текшириш, режадан ташқари текшириш, қисқа муддатли текшириш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш) ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса — буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

- Еттинчи устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.
- Саккизинчи устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги фаолияти ҳақида махсус белгилар қўйилади.
- Тўққизинчи устунда текширишнинг ҳақиқатан давом этган календарь муддати кўрсатилади.
- Ўнинчи устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда махсус белгилар қўйилади.
- Ўн биринчи устунда текширувчи мансабдор шахс томонидан хўжалик юритувчи субъектга нисбатан кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни ёки бутунлай корхонани муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом-ашёдан фойдаланишни тақиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва ҳ. к.) кўрсатилади.
- Ўн иккинчи устунда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг (якка тартибдаги тадбиркорнинг) «Розиман», «Рози эмасман», «Эътирозлар билан розиман» шаклларидаги фикри кўрсатилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор) бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътирозлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътирозлар келтиради.
- Текширишларни рўйхатга олиш китобида ўчириб ёзиш ва бўяш **тақиқланади**. Тўғрилашлар, хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларни устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир

бундай тўғрилаш мансабдор шахс — текшириш раҳбарининг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг имзоси билан тасдиқланади.

Адлия вазирлиги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб 2005 йилнинг 9 ойи давомида амалга оширган ишлари ҳақида қисқача маълумот

Жорий йилнинг 14 июнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3618-сонли Фармони асосида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш, улар фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид 8 та қонун, Президентнинг 13 та фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарорлари ва ўз кучини йўқотиши ёки қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим бўлган 31 та қонун ҳужжатлари бўйича лойиҳалар тайёрланди ва тегишли ҳулосалар билан Ҳукуматга тақдим қилинди.

Шунингдек, 74 таси амалдаги қонунчиликка зид бўлганлиги сабабли рад этилди. Амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан 35 та идоравий-меъёрий ҳужжат давлат реестридан чиқарилди. 27 та идоравий-меъёрий ҳужжатларни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида вазирлик ва идораларга 6 та тақдимнома киритилди ва ижроси таъминланди.

Текширишлар сонини қисқартириш мақсадида жорий йил текширишлар режасига киритилган 25 мингта (*2004 йилда 37919 та бўлган, 2005 йил 34%га қисқартирилган*) хўжалик юривчи субъектлардан 4472 таси режадан чиқарилди. Шундан, қонун талабларига риоя этиб келаётган 1226 та, кам миқдорда маблағ айланмасига эга бўлган 146 та, тугатилганлиги ва банкрот деб топилган 1152 та, назорат қилувчи органларнинг ўзлари тақлифига асосан 440 та хўжалик субъектлари режадан чиқарилди ҳамда 1508 тасида эса комплекс текширувлар бекор қилинди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида хўжалик юривчи субъектлар фаолиятини ноқонуний текширишлар сони кескин қисқарди, яъни 2004 йил 9 ойида 2444 та ҳолатда текширувлар тартибини бузаётганлик аниқланган бўлса, 2005 йилнинг шу даврида 69 та ҳолат аниқланди. Қуни кеча қабул қилинган Фармондан кейин эса бу каби қонунбузарликларни батамом тугатиш фурсати етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Текширишларни рўйхатга олиш китобининг жорий килиниши ҳам бу каби қонунбузарликларни кескин олинди олмоқда. Ушбу китобдан ҳозирги кунда 220 мингга яқин тадбиркорлар таъминланди. Доимий равишда текширишларни рўйхатга олиш китобининг мониторинги ўтказилиб келинмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, Адлия вазирлиги ходимлари қишлоқ жойларида фермерлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи, таъминотчи корхоналар ўртасидаги шартномавий муносабатларни тартибга келтириш, тендер жараёнларини қонунийлигини таъминлаш мақсадида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ходимлари билан жойларга чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Мазкур қарорлар ва фармонларнинг амалда тўғри тадбиқ этилишини таъминлаш ва кенг жамоатчиликка унинг моҳият ва мақсадларини етказиш учун Ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган Дастур асосида республикамизнинг ҳар бир ҳудудида муҳокама этилиб, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилди. Турли илмий-амалий конференциялар ташкил этилиб, тадбиркорларга иқтисодий ислохотларда, қонунларда бўлаётган туб ўзгаришлари моҳияти тушунтирилиб келинмоқда.

Хусусан, 2005 йилнинг 9 ойи давомида 1427 мартаба оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинди, шундан 457 марта телевиденияда, 472 марта радиода, 498 марта газета ва журналларда чиқишлар амалга оширилди. Шунингдек, жойларда тадбиркорларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатувчи 1311 та ҳуқуқий-консалтинг фирмалари ташкил этилди.

Адлия идоралари ушбу йўналишда кичик ва хусусий тадбиркорларни, фермерларни, шу жумладан хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқларини ҳимоялашга ва шартномавий муносабатларни яхшилашга қаратилган аниқ тадбирлар асосида таъсирчан механизмни ишлатиб келмоқда.

